

Истанбулнинг Таксим майдонида масжид қурилиши якунланмоқда



11:30 / 11.12.2020 2691


Истанбулнинг машҳур Таксим майдонида катта масжид қурилиши якунланмоқда. Бу ҳақда islam.plus манбаси хабар берди.

Бу ерда масжид қуриш ғояси ўтган асрнинг 50-йилларидан бери пайдо бўлиб келган. Ушбу ғояни 2014 йилдан бери мамлакатни бошқариб келаётган Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдўған буни амалга оширишга муваффақ бўлди. Масжид қурилиши 2017 йилнинг қишида бошланиб, сиёсий можаролардан ҳоли бўлмаган.

Шаҳарсозлик палатаси ушбу гигант ҳудуднинг тарихий иншоотига зарар етишини таъкидлаб, лойиҳани блокировка қилиш тўғрисида илтимоснома билан чиқган. Аммо демографик ўзгаришлар туфайли илтимоснома судда

рад этилган. Энди ушбу ҳудудда асосан мусулмонлар истиқомат қилиши ва ўтган аср давомида бу ерда бирорта ҳам масжид қурилмаган.

Image not found or type unknown



Қурилиш майдони Франция элчихонаси ёнидаги катта автотурааргоҳ учун танланган. Маданият ва санъат фонди томонидан буюртма қилинган ушбу лойиҳа Халқаро меъморлар иттифоқининг мукофотига сазовор бўлди. Унинг муаллифи фахрий профессор Аҳмет Вефик Алп эди. Ушбу мажмуа масжиддан ташқари музей ва маданият марказини ҳам ўз ичига олади.

Хуршид Маъруф тайёрлади